…кламанинг ортиқча бутун қисми учун қайта ҳисоб-китоб қилинади ва белгиланган тарифнинг 50 фоизи миқдорида қўшимча ҳақ ундирилади.

Қўшимча Қувватга ҳақ тўланиши келгусида ҳар бир аниқ вазият учун Корхонадан тегишли рухсат олмасдан ушбу шартномада талаб этилганидан ортиқ Қувватдан фойдаланиш ҳуқуқини бермайди.

6.8 Тарафлар шартномани форс-мажор ҳолатлари, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайдилар.

## VII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

7.1 Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, тарафлар томонидан имзоланган кундан бошлаб кучга кирган ҳисобланади. (Бюджет ташкилотлари учун Ғазначилик бўлинмасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига мувофиқ, мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради)

7.2 Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

7.3 Шартнома бир йил муддатга тузилади. Шартномани амал қилиш муддати тугагач, тарафлардан бири уни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида ариза бермаса, у шартномада назарда тутилган муддатга ва шартларда узайтирилган ҳисобланади. Бундай ариза шартнома амал қилиш муддатининг охирги ойи мобайнида тақдим қилиниши лозим.

Шартнома янги муддатга узайтирилганида унинг шартлари тарафлар келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин. (Бюджетдан маблағ олувчилар учун шартнома 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 122-моддаси ҳамда, Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 22 декабрдаги 88-сон буйруғи билан руйхатдан утган “Бюджет тизими бюджетларининг Ғазна ижроси коидалари” (2850-сон билан Адлия вазирлигидан руйхатдан утказилган)гаасосан ғазначилик булимидан руйхатдан утгандан сунг кучга киради, амал қилиш муддати “31” декабрь 2020 йилгача белгиланади.

7.4 Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга фақат қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

7.5 Мазкур шартнома билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Электр энергетикаси тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2009 йил 22 августдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари” ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

7.6. Ушбу шартнома бўйича низолар келиб чиққан тақдирда, тарафлар, қоидага кўра, уларни судгача ҳал этиш юзасидан келишилган чора-тадбирлар кўрадилар.

Тарафлар ўртасида ўзаро ҳал қилинмаган низолар қонунчиликда ўрнатилган тартибда суд тартибида ҳал қилинади.

## VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

**«Корхона»**

**Коровулбозор туман Электр тармоклари**

Манзил: Коровулбозор ш.Чулкувар куча 1уй
Телефонлар:364-12-31
Ҳисоб рақами: 22636000600487303328
Банк номи: Бухоро ш. “Узсаноаткурилишбанки” АТБ Бухоро минтакавий филиали
Банк коди (МФО):00086
СТИР (ИНН):201188400
ОКОНХ:11170

Рахбар: Б.Р.Аслонов

________________ имзо

М.Ў.

**«Истеъмолчи»**

Коровулбозор туман Хокимлиги Халк кабулхонаси
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Коровулбозор туман
Тел./факс364 -43-51
ш/ҳ: 100022860062327011205018001
ИНН:201057112 ОКОНХ: -----
Ғазначилик бўлинмаси номи: Коровулбозор туман бўйича ғазначилик бўлинмаси
Ғаз./х:23402000300100001010
Банк номи:Марказий банк Тошкент ш.
МФО:00014 ИНН:201122919

Рахбар: У.Козимов

________________ имзо

М.Ў.

Хукукшунос (имзо ва Ф.И.Ш):